O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
JARQO’RG’ON TUMAN
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ
ОБЛАСТИ
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
ДЖАРКУРГАНСКОГО РАЙОНА

190600, Jarqo'rg'on tumani, O'zbekiston ko'chasi 13-uy, Tel: 0(376) 432-10-94, Fax: 0(376) 432-10-08, http://jarqurgon.uz/

20 19 yil “ 4 ” сентября 5-4426 -sonli

**Жарқўрғон туманида мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш юзасидан тумандаги умумтаълим муассасаларининг микроҳудудларини белгилаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддаси, “Таълим тўгрисида”ги Қонуннинг 27-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли қарорининг 39-бандига асосан туманда мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга қамраб олиш жараёнида умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд)ни аниқ белгилаб олиш мақсадида

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1.Туманда мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш бўйича умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд) рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2.Туман халқ таълими бўлими (А.Пардаев) ҳамда тумандаги умумтаълим муассасалари раҳбарлари зиммасига мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш ҳамда ўқувчиларнинг дарсларга қатнашиш ҳолати юзасидан доимий мониторинг олиб бориш вазифаси юклатилсин.

3.Тумандаги умумтаълим муассасалари раҳбарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган муассасага бириктирилган ҳудуддаги мактаб ёшидаги болаларни ўз вақтида умумтаълим муассасасига ўқишга жалб қилиниши учун масъул ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.

4.“Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси (Ғ.Хўжанов)га маҳалла фуқаролар йиғини раисларига мактаб ёшидаги болаларни умумтаълим муассасаларига жалб этиш жараёнида туман халқ таълими

бўлими ҳамда умумтаълим муассасаларига амалий ёрдам бериш тавсия этилсин.

5.Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6.Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Раджабов зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими в.б** **А.Рахматов**